



PUBLIC DIPLOMACY IN TIMES OF CRISIS: THEORETICAL FOUNDATIONS AND PRACTICAL EXPERIENCES

Otabek Kudratovich Alimardonov

PhD in History

Associate Professor of the Department of

“Contemporary History of Uzbekistan” at the Faculty of History

National University of Uzbekistan

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: crisis, public diplomacy, foreign policy, geopolitical conflicts, public communication, Shanghai spirit, diplomatic communication, Uzbekistan.

Received: 03.08.25

Accepted: 04.08.25

Published: 05.08.25

Abstract: This article analyzes the theoretical foundations and practical directions of public diplomacy during times of crisis. Against the backdrop of escalating geopolitical tensions, conflicts, natural disasters, and climate crises, public diplomacy is gaining increasing importance. The author highlights the goals, tools, and strategic relevance of crisis public diplomacy through international practice, historical examples, and contemporary analysis. The article also explores Uzbekistan’s experience and the opportunities within the framework of the Shanghai Cooperation Organization.

ИНҚИРОЗ ДАВРИДАГИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР

Отабек Қудратович Алимардонов

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти

Ўзбекистон Миллий университети

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: инқироз, халқ дипломатияси, ташқи сиёсат, геосиёсий зиддиятлар, жамоатчилик алоқалари, Шанхай руҳи, дипломатик коммуникация, Ўзбекистон.

Аннотация: Ушбу мақолада инқироз шароитида халқ дипломатиясининг назарий асослари ва амалиётдаги қўлланиш йўналишлари таҳлил қилинган. Жаҳондаги кескин геосиёсий вазият, можаролар,

табиий офатлар ва иқлим инқирозлари фонида халқ дипломатиясининг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Муаллиф халқаро амалиёт, тарихий мисоллар ва замонавий таҳлиллар асосида инқироз давридаги халқ дипломатиясининг мақсади, воситалари ва стратегик аҳамиятини кўрсатади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг тажрибаси ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги имкониятлар таҳлил этилган.

НАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ В ПЕРИОД КРИЗИСА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАКТИЧЕСКИЙ ОПЫТ

Отабек Кудратович Алимардонов

Кандидат исторических наук (PhD)

Доцент кафедры «Новейшая история Узбекистана» исторического факультета

Национального университета Узбекистана,

alexkhanfrank@gmail.com

Ташкент Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кризис, народная дипломатия, внешняя политика, геополитические конфликты, общественные связи, Шанхайский дух, дипломатическая коммуникация, Узбекистан.

Аннотация: В статье анализируются теоретические основы и практические направления применения народной дипломатии в условиях кризиса. На фоне растущей геополитической напряжённости, конфликтов, природных катастроф и климатических кризисов народная дипломатия приобретает всё большее значение. Автор, опираясь на международную практику, исторические примеры и современные анализы, раскрывает цели, инструменты и стратегическое значение народной дипломатии в кризисные периоды. Также рассмотрен опыт Узбекистана и возможности в рамках Шанхайской организации сотрудничества.

Кириш. Бугунги кунда глобал миқёсда геосиёсий тартибнинг издан чиқиши, минтакавий можароларнинг авж олиши, табиий офатлар, миграция ва иқлим ўзгариши каби мураккаб инқирозлар халқаро ҳамжамият олдида жиддий чақириқлар пайдо қилмоқда. Бу каби шароитда расмий дипломатиянинг ўзи етарли эмаслиги, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг сусайиши, ахборот уруши ва манипуляциялар фонида халқ дипломатияси — яъни жамият вакиллари орқали олиб бориладиган норасмий мулоқот — янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқ дипломатияси тинчликни таъминлаш, можароларнинг олдини олиш ва давлатлар ўртасидаги ижобий имижни шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Айниқса, инқироз шароитида ушбу дипломатия шакли ички ва ташқи жамоатчиликка давлатнинг позициясини тушунтириш, нотўғри маълумотларни тузатиш ва халқаро ҳамжиҳатликни сақлашда стратегик аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада инқироз даврида халқ дипломатиясининг назарий асослари, шакллари, вазифалари ҳамда унинг муваффақиятли амалга оширилиши учун зарур бўлган омиллар таҳлил этилади. Шунингдек, дунё амалиётидаги реал мисоллар ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги халқ дипломатияси тажрибаси ҳам ёритиб берилади. Мақоланинг мақсади – инқироз шароитида халқ дипломатиясининг аҳамиятини асослаш ва уни самарали қўллаш бўйича илмий хулосалар ҳамда таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Таҳлил ва натижалар. Бугун халқаро вазият кескинлашиб янги вайронкор можаролар пайдо бўлмоқда, глобал ва минтақавий хавфсизликка хавф ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Бу давлатлар ўртасида ўзаро ишонч камаяётган, қарама-қаршилик ва зиддиятлар ортиши ортидан геосиёсий кескинлик тобора ўсаётган вазиятда кечмоқда. Натижада, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари тез-тез бузилмоқда. Тобора кучайиб бораётган инқироз ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича жаҳон ҳамжамиятида мавжуд бўлган воситалар, афсуски, ўзининг самарадорлигини йўқотди. Бугунги кундаги зиддиятлар фақат урушлардан иборат эмас, балки экология, иқлим ўзгариши, музликларни эриши, табиий углеводород ва чучук сув захираларининг камайиб бориши, миграцион жараёнларни осиб бориши фонида содир бўлмоқда.

Глобал даражада ишонч тақчиллиги мисли кўрилмаган даражага чиққан шароитда умумий хавфсизлигимизни таъминлашда янги ёндашувларни излаш зарурати ўсиб бормоқда. Шу боис, ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамжиҳатликни таъминлашда халқ дипломатиясининг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Қадимги даврда халқ дипломатияси анъанавий дипломатиянинг бир кўриниши бўлиб қолмасдан давлатлар ташқи сиёсатига жиддий таъсир кўрсатган. Савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, шаҳарсозликдаги янгиликлар айнан халқ дипломатияси таъсирида амалга ошган[1]. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, замонавий халқаро муносабатлар институтларининг аксарияти ҳарбий даврда шаклланган ва бу даврнинг таъсири уларда акс этганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, БМТнинг ташкил этилиш, Биродарлашган шаҳарлар иттифоқларини вужудга келиши II жаҳон урушининг таъсири натижасидир.

Халқ дипломатияси илмий адабиётларда асосан тинчлик пайтидаги амалиёт сифатида муҳокама қилинсада, шу билан бирга можароли шароитларда халқ дипломатиясига оид тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга.


Қадимги даврда содир бўлган урушлар ва уларнинг жамоатчиликка таъсири ўларок илмий адабиётларда “мустамлакачилик” халқ дипломатияси модели ишлатилади. “Мустамлакачилик” халқ дипломатияси эгалланган ҳудуднинг тинч аҳолиси билан, ёки агар мустамлакачилар ўша ҳудудда қолиш ва у ерни ривожлантиришни режалаштираётган бўлсалар, уруш бўлаётган ҳудуд аҳолиси билан ўзаро муносабатлар ўрнатиш заруратидан келиб чиқади. Тарих шуни кўрсатадики, Рим, Хитой ва Форс империяларининг кенгайиши “махсулдор урушлар” ва “мустамлакачилик” халқ дипломатия йўли билан бирга кечган.

Маълумки, агар халқлар ва давлатлар ўртасида яқин ва дўстона алоқалар, муштарак маданий, маънавий ва иқтисодий ришталар мавжуд бўлса, бу тинчлик ва барқарорликнинг асосий таянчлари таъминланганини билдиради.

Бироқ глобаллашув асрида асрлар давомида шаклланган қадриятлар тез суръатда ўзгармоқда. Замонавий дунёда биз манфаатлар тўқнашувининг гувоҳи бўлмоқдамиз, улар баъзи ҳолларда кескин тўқнашув ва зиддиятларга олиб келмоқда. Давлатлар ва халқлар ўртасида қарама-қаршиликлар, одатда, расмий дипломатия ва халқ дипломатияси ўз имкониятларини тўлиқ ишлатмагани ёки улар бутунлай самарасиз бўлиб қолган пайтда юзага келади.

ACLED[2] нинг 2024 йил декабрь ҳолатига кўра тақдим этган маълумотларига қараганда сўнгги беш йилда жаҳондаги тўқнашувлар сони икки бараварга ошган, 2024 йилда ҳар 8 одамдан 1 нафари тўқнашувлар таъсирига учраган бўлиши мумкин, деб баҳоланмоқда.

Where is conflict happening as of December 2024?



50 та мамлакат Тўқнашув индексида “ҳаддан ташқари”, “юқори” ёки “беқарор”

даражада баҳоланган.

Фаластин, Мьянма, Сурия ва Мексика индексида энг юқори тўқнашув даражасига эга мамлакатлар сирасига киради. 2020 йилда 104 371 та тўқнашув ҳолати қайд этилган бўлса, 2024 йил декабрь ҳолатига кўра 200 000 га яқин воқеа рўйхатга олинди. Ўтган 2024 йил давомида ушбу воқеалар натижасида ҳалок бўлганлар сони 233 000 дан ортиқ экани тахмин қилинмоқда. 2024 йилда тўқнашувлар сони 2023 йилга нисбатан 25% га ошган бўлса, бунда асосий улуш давлатлар ўртасидаги тўқнашувлар ва уларнинг яқин

Rank	Country	Index Level	Change Category	Change Rate
1	Palestine	Extreme	Consistently concerning	0
2	Myanmar	Extreme	Consistently concerning	0
3	Syria	Extreme	Consistently concerning	0
4	Mexico	Extreme	Consistently concerning	0
5	Nigeria	Extreme	Consistently concerning	0
6	Brazil	Extreme	Consistently concerning	0
7	Lebanon	Extreme	Worsening	↗ +13
8	Sudan	Extreme	Consistently concerning	0
9	Cameroon	Extreme	Consistently concerning	0
10	Colombia	Extreme	Consistently concerning	↘ -4
11	Haiti	High	Consistently concerning	↗ +1
12	Pakistan	High	Improving	↘ -2
13	Democratic Republic of Congo	High	Consistently concerning	↘ -2
14	Ukraine	High	Consistently concerning	↗ +1
15	India	High	Consistently concerning	↘ -1

иттифоқчилари ўртасидаги зиддиятлар ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, бу ҳолат Яқин Шарқда айни долзарбдир[3].

Ушбу мураккаб вазиятларда тарангликни юмшатиш учун механизм ва ечимлар мавжудми? Аниқки, муаммони тўлиқ бартараф этиш осон эмас, бироқ босқичма-босқич ёндашув орқали қарама-қаршиликлар минимал даражага туширилиши мумкин. Бу йўлда энг муҳим омил – сиёсий ирода ва ўзаро муносабатларга тайёрлик ҳисобланади.

Олимлар турли зиддиятлар, урушлар ва инқирозли даврларда халқ дипломатияси янада муҳим рол ўйнаши мумкинлигини, зиддиятли томонларни муросага келтириш воситаси сифатида қарайди.


Инқироз давридаги халқ дипломатияси (Crisis Public Diplomacy) – бу мамлакат ёки ҳукумат томонидан инқироз вазиятида ҳам ички, ҳам халқаро жамоатчилик фикрини бошқариш ва унга таъсир ўтказиш учун қўлланиладиган дипломатик стратегиялар ва мулоқот воситаларини англатади. Бу халқаро ёки ички нотинчлик пайтларида вазиятни бошқариш, зарарни камайтириш ва тушунишни ошириш мақсадида амалга ошириладиган оммавий хабарлар, ОАВ кампаниялари ва бошқа мулоқот саъй-ҳаракатларини ўз ичига олади.

У халқ дипломатиясининг махсус йўналиши бўлиб, инқироз вазиятида давлатнинг ташқи жамоатлар билан муносабатини самарали равишда сақлаш ва бошқариш мақсадида амалга оширилади. Одатда халқаро инқирозлар, можаролар, табиий офатлар, пандемиялар, террористик хужумлар, сиёсий беқарорлик ёки йирик дипломатик муаммолар каби фавқулодда ҳолатларда давлатларнинг хорижий жамоатчилик олдидаги имижини, ишончилигини ва коммуникациясини стратегик бошқаришга қаратилган восита сифатида қаралади.

Чунки инқироз пайтида давлатлар нафақат ички сиёсатни, балки халқаро имиж ва алоқаларни ҳам назорат қилиши керак. Халқ дипломатияси инқирозни фақат тушунтириш эмас, балки уни халқаро майдонда сиёсий ва гуманитар жиҳатдан қонунийлаштириш воситаси ҳамдир.

Умумий халқ дипломатияси асосан чет эл жамоатчилиги (аҳоли, ташкилотлар ва ОАВ) билан алоқа ўрнатишга қаратилган бўлса, инқироз давридаги халқ дипломатияси айнан юқори даражадаги кескинлик, ноаниқлик ёки зиддият мавжуд бўлган вазиятларни бошқаришга эътибор қаратади.

Инқироз даврида халқ дипломатияси воситасида кўриладиган тезкор чоралар



Инқирозли вазиятлар тез жавоб беришни талаб қилади ва халқ дипломатияси тушунмовчиликларни дарҳол бартараф этиш, вазиятни бошқариш ва ҳукуматнинг нуқтаи назари ёки ҳаракатларини тушунтириш воситасига айланади. Ҳукуматлар нотўғри ахборот тарқалишининг олдини олиш учун рақамли платформалар, оммавий ахборот воситалари

билан суҳбатлар, матбуот анжуманлари ва расмий баёлотлардан фойдаланиб, маълумотларни тезда етказиши зарур бўлади.

Инқироз даврида халқ дипломатиясини самарали қўллаш билиш у туфайли жиддий зарар кўриши мумкин бўлган мамлакат обрўсини бошқариш ва тиклашга хизмат қилади. Инқироз кучайишини олдини олиш учун мамлакат ёки маълум ҳудуддаги халқ орасида катта обрў ва ҳурматга эга инсон (маҳалла оқсоқоли, дин арбоби, шоир ва ёзувчи, санъаткор ва бошқа бир халқ орасидан етишиб чиққан одам ҳам бўлиши мумкин)нинг юксак маънавий, ахлоқий ва дипломатик таъсиридан фойдаланилади. Бунда асосий мақсад инқирознинг кенг қўламли можарога айланиб кетишини ва узок муддатли дипломатик изоляцияга олиб келмаслигини таъминлашдир.

Инқироз даврида халқ дипломатияси муайян аудиторияларга йўналтирилган бўлади. Яъни сабъ-ҳаракатлар ҳар доим ҳам бутун дунё жамоатчилигига қаратилмайди; аксинча, улар кўпинча хорижий ҳукуматлар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ёки инқироздан таъсирланиши мумкин бўлган алоҳида хорижий аҳоли гуруҳлари каби маълум қатламларга мўлжалланади. Бу жуда муҳим, чунки турли гуруҳларнинг қарашлари ва эҳтиёжлари бир-биридан фарқ қилади ва улар билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориш лозим бўлади.

Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, илмий-техник тараққиёт даврида жамият онги ва одамлар дунёқараши тобора оммавий ахборот воситалари томонидан яратиладиган ва бошқариладиган ахборот майдони таъсири остида шаклланмоқда.

Шу сабабли, инқирозли вазиятларни бартараф этиш бўйича ишлар ҳар томонлама ёндашув асосида, ҳар бир томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бугунги глобал дунёда шубҳасиз ижтимоий тармоқлар орқали инқирозни бошқариш мумкин ва бу самарали восита ҳамдир. Ижтимоий тармоқлар анъанавий оммавий ахборот воситаларини четлаб ўтиб, жамоатчилик билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имконини беради ва ҳукуматларга ўз хабарларини етказишда кўпроқ назорат имкониятини тақдим этади.

Пандемия даврида ижтимоий медиа платформалари инқироз даврида халқ дипломатиясининг замонавий кучли воситасига айланди. Ҳукуматлар ва ташкилотлар кўпинча Twitter, Facebook, Instagram ва YouTube каби платформалардан воқеалар ривожини назорат қилиш ва халқаро аудитория билан реал вақт режимида мулоқот ўрнатиш учун фойдаланади.


Инқироз даврида ҳукуматлар кўпинча инсонпарварлик ҳаракатлари, ёрдам кўрсатиш ёки жабрланган аҳоли билан ҳамжиҳатликни ифода этиш орқали мамлакатнинг халқаро

тинчлик, барқарорлик ва инсон ҳуқуқларига содиқлигини кўрсатиш мақсадида халқ дипломатиясидан фойдаланади. Бу, шунингдек, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, демократия ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш каби мамлакатнинг қадриятларини етказишни ҳам ўз ичига олади.

Қуйидаги ҳолларда халқ дипломатиясининг долзарблиги ортиб глобал аҳамият касб этиши мумкин.

Аввало, табиий офатлар содир бўлганда халқаро ҳамжамиятнинг бирдамлиги намоён бўлади. Афсуски бугунги кундаги инқирозлар фақат урушлар фонида келиб чиқмаяпти. Одамзоднинг табиатга шавқатсиз муносабати ўлароқ табиий офатлар кўлами кенгайиб бормоқда. Йирик табиий офатдан сўнг, ҳукумат халқаро ёрдам сўраш, миллий чоратadbирларни тушунтириш ёки инқироз ҳақидаги ҳар қандай нотўғри тушунчаларни оидинлаштириш учун жамоатчилик дипломатиясидан фойдаланиши мумкин.

2024 йили сайёрамизда ўртача ҳаво ҳарорати биринчи марта Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан юқориқ кўтарилди. Сўнгги ўн йиллик бутун метеокузатувлар тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Бунинг оқибатида бугун биз барчамиз иқлим



инқирозларининг салбий таъсирлари – ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш миқёси ортиб бораётгани, музликлар қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучаяётгани, ҳаво сифати ёмонлашаётганини ҳис қилиб турибмиз[4].

Юқоридаги диаграммада шу нарса аён бўладики, 2022 йилда бутун дунёда ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида иссиқлик тўлқинлари энг кўп қурбонларни келтириб чиқарган экстремал об-ҳаво ҳодисаси бўлиб, қурбонларнинг 83% (61 782 киши) учун жавобгар ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларда тошқинлар (8 050 киши) ва қурғокчилик (2 601 киши) туради[5].

Пандемия натижасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кескин қисқариши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизлик даражасининг ортиши каби омиллар тараққиёт суръатларимизга жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, ҳарбий можаролар классик даврлардан бери инсониятнинг табиий бирлашувига, иттифоқ ва турли альянсларга қўшилиши ёки ажралиб чиқишига олиб келган. Ҳарбий можаро ёки уруш ҳолатида ҳукумат халқаро қўллаб-қувватлашга эришиш, оммавий ахборот воситаларининг салбий тасвирларига қарши курашиш ва можаронинг сабаблари ҳамда унинг кўзланган ечими ҳақида ўз нуқтаи назарини тақдим этиш учун жамоатчилик дипломатиясини қўллаши мумкин.

Бунга ёрқин мисол сифатида Россия ва Украина ўртасидаги тўқнашувни келтириш мумкин. Бу икки халқ, эҳтимол, барча жиҳатдан ўхшаш ёки ўта яқин: уларнинг анъаналари, маданияти, дини, тарихи, иқтисодиёти ва ҳатто тили умумийликка эга. Аммо турли сабабларга кўра, бугунги кунда улар ўртасидаги муносабатлар тарихий жиҳатдан энг мураккаб ва танг даврни бошидан кечирмокда. Шу билан бирга, халқ дипломатиясининг тарафдорлари ишонч билдирадиларки, вақт ўтиши билан умумий кадриятлар яна устувор аҳамият касб этиб, аввало халқларни, кейин эса давлатларни яқинлаштиради. Бунда ҳал қилувчи ролни яна халқ дипломатияси ўйнайди – у расмий дипломатияни ўз ортидан тортадиган “локомотив” вазифасини бажаради.

Учинчидан, дипломатик низо ёки халқаро кескинлик (масалан, савдо уруши ёки ҳудудий низо) пайтида мамлакатлар вазиятни юмшатиш ёки иттифоқчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун жамоатчилик дипломатиясидан фойдаланиши мумкин.

Агар халқ дипломатияси механизмлари фаол ишга солинса тинчлик жараёни жадаллашади. Халқ дипломатияси – бу, аввало, турли миллат ва давлат вакиллари ўртасидаги оммавий ва бевосита мулоқотдир. Расмий дипломатиядан фарқли ўлароқ, халқ дипломатияси жамиятнинг энг паст қатламларидан бошланади, ҳар бир шахснинг манфаатларини ҳисобга олади ва унда ҳар бир иштирокчи бевосита иштирокчи ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, халқ дипломатияси кўп ҳолларда расмий дипломатия ўрнатилишини ёки унинг рухсатини кутмайди – ана шу жиҳати унинг муҳим устунликларидан биридир. Демак, халқ дипломатияси расмий давлатлараро музокаралар учун зарур бўлган самарали муҳитни яратиб, уларнинг илгарилашини таъминлаши мумкин.

Халқ дипломатиясини ривожлантириш учун асосий шартлардан бири – давлат чегаралари очиқ бўлиши ва инсонлар ҳамда товарлар эркин ҳаракатланиши учун шароит яратилиши зарур. Халқ дипломатияси тушунчаси ўз ичига икки томонлама ва кўп

томонлама алоқаларни қамраб олади. Бундай алоқалар маданий, илмий, таълим соҳаларидаги дастурларни амалга ошириш орқали юзага чиқади: делегациялар алмашинуви, тасвирий санъат кўргазмалари, мусикий фестиваллар, санъат байрамлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Давлатлар кесимида мисоллар[6]

Мамлакат	Инқироз	Халқ дипломатияси стратегияси
АҚШ	9/11 хужумлари (2001)	2001 йилдаги террорчилик хужумларидан сўнг АҚШ халқаро аудиторияга “террорга қарши кураш” операциясини бошлади.
Хитой	COVID-19 пандемияси (2020-2022)	“Ваксина дипломатияси”, химоячи давлат имижини яратиш учун 2020 – 2022 йилларда Хитой “ваксина дипломатияси” орқали сўнгги фазада ўзини масъулиятли давлат сифатида намоён қилишга уриниб, COVID-19 тарқалиши ҳақидаги танқидларга қарши чиқди.
Украина	Россия босқини (2022)	2022 йилда Украина Президенти Зеленскийнинг тўғридан-тўғри чиқишлари, ижтимоий медиа орқали халқаро жамоатчиликка мурожаатлари, рақамли дипломатиянинг намунавий кўринишидир.
Ўзбекистон	Орол фожияси (1960 йиллардан ҳозирги кунгача)	Ўзбекистон раҳбарияти 1993, 1995, 2010, 2017, 2018, 2020, 2023 йилларда БМТ минбарларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи фожиясига қаратган.

Сўнгги ўн йилликларда дунёдаги етакчи давлатлар халқ дипломатиясини ўзларининг сиёсий, иқтисодий ёки идеологик манфаатларини амалга оширишда тобора фаолроқ қўллаяптилар. Натижада, халқ дипломатияси халқаро сиёсатнинг ажралмас қисмига айланиб, давлатларнинг ўз манфаатларини химоя қилишдаги муҳим воситасига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишларидан бири – аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлаган ҳолда, халқларнинг дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тинчлик шароитида яшашини кафолатлашдир. Миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат, миллий, оилавий ва диний қадриятларни асраб-авайлаш жамият барқарорлиги ва ривожланишининг, тинчлик ва яхши кўшничиликнинг асосий омили ҳамда кафолати ҳисобланади. Шунингдек, мазкур омиллар мамлакат тараққиёти ва илгарилашида “драйвер” (туртки берувчи куч) сифатида хизмат қилади[7].

Бугунги глобал таҳдид ва хатарларни фақат ва фақат яхши қўшничилик, тенглик, ишонч ва ўзаро манфаатларни инобатга олиш каби анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш орқали бартараф этиш мумкин.

Бу масала Ўзбекистон Республикасида ҳал этилганми ёки ҳали ўз ечимини кутаяптими? Ўзбекистондаги қайсидир таниқли шахсни халқ дипломатияси вакили сифатида кўрсатиш ва уни хорижда кенг танилган шахс сифатида эълон қилиш мумкинми? Халқ дипломатияси салоҳияти ва механизмлари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини илгари суришда қай даражада самарали ва фаол ишлатилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Ушбу саволлар атрофлича таҳлил этилиши ва турли платформа ва майдонларда кенг муҳокама қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатда ўзаро манфаатли ва мувозанатлашган муносабатларни сақлаган ҳолда, ўйланган ва кўп векторли сиёсат юритмоқда. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш ва фаоллаштириш, турли тўсиқларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чоратадбирлар мамлакатнинг кўп миллатли халқининг фаровонлиги ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Халқ дипломатиясининг ривожланиш даражаси жамиятдаги сиёсий тизимнинг демократиклик ва фаоллик кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Уни самарали амалга ошириш – минтақавий ва халқаро муносабатларни инсонийлаштириш, давлатнинг “юмшоқ куч” (soft power) воситаси сифатида миллий манфаатларни илгари суриш ва ташқи сиёсий нуфузини мустаҳкамлашда хизмат қилади.

Инқироз ва низоларни самарали ҳал этиш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда ШХТ халқ дипломатияси модели “Шанхай руҳи” бутун дунёга намуна бўлиши мумкин. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган қўшни давлатлар билан умумий қадриятлар, тарих, дин, ўхшаш маданият ва анъаналарга эга. Бизнинг минтақа давлатлари иқтисодий ва демографик салоҳияти жиҳатидан деярли бир хил кўрсаткичларга эга. Бироқ ШХТнинг бошқа иштирокчилари билан, яъни Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ўзаро умумийлик кам ва кўрсаткичлар бўйича солиштириш имкони мавжуд эмас. Масалан, Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси Ўзбекистон аҳолисидан қарийб 40 баробар кўп; Хитой ЯИМи – 288 баробарга, Ҳиндистонники эса 60 баробарга юқори. Ушбу давлатларнинг иқтисодиёти жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бу шароитда мувозанатни сақлаш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти жуда муҳим ва ташкилот учун асосий бўлган стратегияни – “Шанхай руҳи”ни ишлаб чиқди. У ўзаро

ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, ўзаро маслаҳат, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат ва ҳамкорликда ривожланишга интилиш тамойилларини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2024 йил 4 июль куни бўлиб ўтган ШХТ саммитида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Бундай мураккаб вазиятда ШХТнинг асоси бўлган тамойилларга содиқлигимизни сақлаш ва янада мустаҳкамлаш фавқуллодда муҳимдир. Ана шу тамойиллар туфайли Ташкилот бугунги ютуқларга эришди, халқаро масалаларда юксак нуфуз ва барқарорлаштирувчи ўринга эга бўлди”[8].

Халқ дипломатияси иккиюзламачилик, адолатсизлик, можаролар, зўравонлик ва жамиятни пароканда қиладиган, уни ноқуллаи ва беқарор ҳолатга соладиган барча ҳолатларни рад этади. У ўз манфаатларини бир томонлама илгари суриш ўрнига, мулоқот ва мurosаларни, можароли томонларнинг барча манфаатларини инобатга олган ҳолда муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишни таклиф қилади. Шу сабабли халқ дипломатларига ишонч катта. Халқ дипломатиясининг айнан мана шундай мақсад ва ишлаш услублари иштирокчи томонларда ишонч ва бирдамлик туйғусини уйғотади.

Айнан “Шанхай руҳи”нинг мустаҳкам замини бўлган тамойиллар – ўзаро ишонч ва манфаат, тенглик, маданиятлар ранг-баранглигига ҳурмат ва умумий тараққиётга интилиш, қарорлар қабул қилишда консенсус тамойилининг ўзгармаслиги ва Ташкилотнинг блоклардан холи мақомини сақлаб қолиш, унинг очиклиги, учинчи мамлакатларга қарши қаратилмагани, иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий салоҳиятидан қатъий назар барча иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини ҳурмат қилишга қатъий риоя этиши халқ дипломатияси тамойилларига мос халқаро ҳаракатдир. Шу боис ҳозирги кунда ШХТ ҳамжиҳатлиги заифлашишига йўл қўймаслик муҳимдир. Айниқса “ШХТ оиласи” жипслигини кучайтириш, биргаликда ривожланиш тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб, очилаётган янги имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш Ўзбекистон ташқи сиёсати манфаатларига тўла мос келади.

Хулоса ва таклифлар. Халқ дипломатияси фаолиятининг асосини ташкил этувчи норасмий алоқалар давлатнинг расмий дипломатик манфаатларини илгари суриш ва ташқи сиёсий мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳаракатлар баъзи ҳолларда кўплаб расмий музокараларга нисбатан самаралироқ бўлиб, тортишувли масалалар ёки можароларни бартараф этиши мумкин. Албатта, улар ҳар қандай халқаро можарони ижобий натижа билан якунлашга тўлиқ қафолат бермайди, бироқ бу имкониятни оширади ва расмий дипломатия фаолияти учун қулай муҳит яратади.

Мақолада таҳлил қилинган ҳолатлар, мисоллар ва шарҳлар халқ дипломатиясининг инкироз вазиятларида қўлланилиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асосли эканини тасдиқлайди. Жумладан, АҚШ, Хитой, Украина ва Ўзбекистон каби давлатлар томонидан амалга оширилган турли форматдаги жамоатчилик дипломатияси лойиҳалари бу соҳанинг аҳамияти ва имкониятларини яққол намоён этмоқда.

Тақдим этилаётган таклифлар:

Инкироз шароитида халқ дипломатияси стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни давлат ташқи сиёсатининг бир қисми сифатида интеграция қилиш зарур. Бу жамоатчилик билан тезкор, мақсадли ва самарали мулоқотни таъминлайди.

Махсус тайёргарликка эга бўлган халқ дипломатлари корпусини шакллантириш, яъни таълим, маданият, санъат, фуқаролик жамияти ва ахборот соҳалари вакилларида иборат ихтисослашган дипломатик тармоқни ривожлантириш лозим.

Ижтимоий медиа платформаларини инкироз даврида самарали халқ дипломатияси воситаси сифатида фаолроқ қўллаш. Бу восита расмий ахборотни жадал тарқатиш ва нотўғри маълумотларга қарши туриш имконини беради.

Ўзбекистонда халқ дипломатиясига оид махсус миллий стратегия қабул қилиниши лозим, у орқали турли соҳалардаги жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат сектори ва фуқароларнинг ташқи алоқалардаги иштироки институционаллаштирилиши мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида “Шанхай руҳи”га таянган ҳолда минтакавий халқ дипломатияси платформаларини яратиш, умумий маданий қадриятлар ва тарихий яқинликни инобатга олган ҳолда жамоавий мулоқот механизмларини ривожлантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Харкевич М. В. Военное измерение публичной дипломатии. Публичная дипломатия: Теория и практика: Научное издание / Под ред. М. М. Лебедевой. – М.: Издательство «Аспект Пресс», 2017. – С.21.

2. <https://acleddata.com/about-acleddata/> Armed Conflict Location & Event Data (ACLED) is a disaggregated data collection, analysis, and crisis mapping initiative. ACLED collects information on the dates, actors, locations, fatalities, and types of all reported political violence and protest events around the world. The ACLED team conducts analysis to describe and explore conflict trends. Халқаро ва давлат даражасидаги зўравонлик умумий тўқнашув даражасида ортиб бормоқда. Қуролли тўқнашувлар жойлашуви ва ҳодисалар маълумотлари базаси (Armed Conflict Location & Event Data (ACLED)) – бу сиёсий зўравонлик ва норозилик намоёишлари билан боғлиқ барча воқеаларнинг санаси, иштирокчи томонлар,

жойлашуви, ҳалок бўлганлар сони ва тури ҳақида аниқланган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва инқироз хариталари орқали акс эттиришга ихтисослашган АҚШдаги нодавлат ташкилот ҳисобланади.

3. <https://acleddata.com/conflict-watchlist-2025/> Conflict Watchlist 2025 12 December 2024

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд халқаро иқлим форумидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/8025>

5. Lina Adil and others Climate Risk index 2025 / who suffered most extreme weather events Germanwatch e.V 12.02.2025 – P 18.

6. Мазкур жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

7. https://www.kultura.uz/view_2_r_15843.html. Роль, возможности и преимущества народной дипломатии в период кризисных ситуаций

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/7372> 04.07.2024